


Шаъбон ойининг фазилатлари, Бароат кечаси



18:45 / 06.03.2023 1749

Шаъбон ойи – ҳижрий-қамарий тақвимнинг саккизинчи ойи бўлиб, Ражаб ва Рамазон ойлари ўртасида жойлашган. Бу ой тўғрисида келган маълумотларни ўрганиб кўрсак, асосий урғу Рамазон ойига руҳан ва жисмонан тайёргарлик кўришга қаратилганини англаймиз. Бу ойда одатдагидан кўпроқ нафл рўза тутиш, Қуръон тиловат қилиш ва тунги ибодатларга машғул бўлишга тарғиб қилинган. Усома ибн Зайд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

هَنَعَ هَلَلَا يَضِرُّ دِيْرَ نَبِّ ؕ مَأْسَأُ نَع
مَلَّ هَلَلَا لَوْ سَرَّ أَيُّ تَلْقُ " : لَأَق
أَمْ رُوْهُ شَلَا نَمْ أَرْهَشُ مَوْصَتَ كَرَأُ
كَلَذَّ " لَأَق . نَأْبُعَشُ نَمْ مَوْصَتَ
نَيَبُ هَنَعَ سَأْنَلَا لُفْعَيُّ رَهَشُ
عَفْرَتُ رَهَشُ وَهَوَ نَأْضَمَ رَوِيْبَجَرُ

نَيِّمَ لَأَعْلَىٰ بَرِّي لَأَمْعَالِ هِي فِ
مِئْصَافِ أَوْ يَلْمَعِ غَفْرِي نَأْبِحُ أَف
(يِئْسَانِ لَأَجْرًا) "

«Эй Аллоҳнинг Расули, ойлардан ҳеч бирида Шаъбон рўзасидек рўза тутганингизни кўрмадим», дедим. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Бу бир ойки, одамлар ундан ғафлатда қоладилар. У Ражаб билан Рамазоннинг орасида. Бу бир ойки, унда амаллар Роббил оламийнга кўтарилур. Мен ҳам амалим кўтарилаётганда рўзадор бўлишни яхши кўраман”, дедилар (Имом Насоий ривояти).

Оиша онамиз розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

تَلَقَّاهُنَّ هَلَلًا يَضُرُّهُ شِئَاءُ نَع
هَلَلًا يَلْصُقُهُ لَلُّ لَوْ سَرَّ نُكَيْ مَل
نَمْرُةٌ شَلَا فِي مَلْسٍ وَهِيَ لَع
يُفُؤُهُنَّ مَّأْيَ صَرَثُكَ أَعْنَسَلَا
(مَلْسُ مَؤَوْرٍ) " نَأْبِغَش

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам йилнинг ҳеч бир ойида Шаъбондагидек кўп рўза тутмасдилар” (Имом Муслим ривояти).

Тобеъин, Куфа шаҳрининг фақиҳларидан бири Ҳабиб ибн Абу Собит Шаъбон ойи кирса: “Бу қориларнинг ойдир”, дер эди.

Абу Саъид ал-Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Пайғамбаримиз алайҳиссалом, “Ким Аллоҳ учун бир кун рўза тутса, Аллоҳ таоло унинг юзини дўзахдан етмиш йиллик (масофага) узоқ қилади” деганлар (Имом Бухорий ривояти).

Шаъбон ойининг ўн тўртинчидан ўн бешинчига ўтар кечаси “Бароат” кечаси деб номланади. Ушбу тунда кўплаб осий бандаларнинг тавбалари қабул бўлиб, гуноҳлари кечирилиши, ризқлар тақсимланиши, беморлар шифо топиши ва ундан бошқа фазилатларга эга экани борасида турли ривоятлар бор. Ушбу ривоятлар якка ҳолда заиф ҳадислар ҳисоблансада ҳамма санадларини жамлаб, умумий ҳолда хулоса қилинса, шариатимизга кўра ушбу кеча фазилатли ва баракотли кеча ҳисобланиши маълум бўлади. Шунинг учун ҳам Абул Ало Муҳаммад ибн Абдурроҳман Муборакфурий “Шаъбон ойи 15-тунининг фазилат борасида бир қанча ҳадислар бор бўлиб, уларнинг мажмуаси унинг шариатда ишончли асоси бор эканига далолат қилади”, деган (Тухфатул аҳвазий. 3-жуз, 365-бет).

Машҳур мужтаҳид олим Имом Шофий раҳматуллоҳи алайҳ шундай деганлар:

ءَاغْدِلَانِي " لِأَقْوِي نَاكَ هُنَا أَنْ غَلَبَ
 فِي لَيْلِ سَمَخٍ فِي بَأَجَاتِ سِي
 خَضَّ أَلِةَ لَيْلٍ وَ عُمُجَلِةَ لَيْلٍ
 نَمِةَ لَيْلٍ وَأَوْرُطِةَ لَيْلٍ وَ
 نَابُغَشٍ نَمِةَ لَيْلٍ وَ بَجَرِ

яъни: “Бизга етган хабарларда айтилишича беш кечада дуо ижобат бўлади: жума кечаси, қурбон ҳайит кечаси, Рамазон ҳайити кечаси, Ражабнинг биринчи кечаси ва Шаъбон ойининг ярмидаги кечаси” (манба: Ал-Умм. 1-жуз, 264-бет)